ИККИ ТОМОНЛАМА ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК

«ТАШАББУС-2003» КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

ТИЛЛА УЗУКНИНГ ЭГАСИ КИМ?

ОСМОНДАН ТУШГАН ҲОЖАТБАРОР

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

СПОРТ ОЛАМИДА

ДУШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 32 (9.835) / 2003 ЙИЛ 17 ФЕВРАЛЬ

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолининг чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, уларнинг тармоғини, айниқса хизматлар кўрсатиш даражаси республика бўйича ўртача даражадан паст бўлган минтақаларда янада кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари ва «Маиший хизмат маркази» очиқ акциядорлик жамияти томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантириш дастурлари маъқуллансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари, «Маиший хизмат маркази» очиқ акциядорлик жамияти, «Савдо», «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш департаменти иштирокида кўрсатилган дастурларни амалга ошириш бўйича жойларда амалий ишлар ташкил этилишини таъминласинлар.

2. Белгилансинки, дастурларда назарда тутилган чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш савдо, маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва корхоналарининг ҳамда тадбиркорларнинг ўз маблағлари, шунингдек тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

«Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниялари ва «Маиший хизмат маркази» очиқ акциядорлик жамияти иштирокида чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришнинг аниқ дастурларини (аҳоли пунктлари бўйича) бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар, бунда барпо этилаётган объектларни мавжуд савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг кўрсатилаётган хизматларга бўлган эҳтиёжи таъминланмаётган туманлар, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштиришга алоҳида эътибор берсинлар;

чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш (ташкил этиш) учун турар жой ва нотурар жой биноларидаги мавжуд бўш майдонларни белгиланган тартибда хатловдан ўтказсинлар;

чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилишига аҳоли учун қулай жойлардаги ер участкаларини тадбиркорларга танлов асосида берсинлар;

тегишли шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда тегишли ҳудудни қуришнинг бош режасига мувофиқ дастурларда назарда тутилган савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш бўйича зарур лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чорагида 2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантириш дастурлари бажарилишини кўриб чиқсинлар ва ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача Вазирлар Маҳкамасига ахборот берсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва савдо комплекси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларда тегишли йиллар учун белгиланган топшириқларнинг бажарилиши юзасидан мунтазам асосда, келишилган жадвал бўйича мониторинг олиб борсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 13 февраль



**«Алтромарк» қўшма корхонасининг электр-газ пайвандчиси С. Масаитов илғор ишчилардан ҳисобланади ва ўз вазифасини доимо сидқидилдан адо этади.**
**СУРАТДА:С. Масаитов иш устида.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **ТАЪЛИМ** соҳасидаги ислоҳотларни янада ривожлантириш мақсадида Япония ҳукуматининг беғараз ёрдами туфайли грант шартномаси асосида шаҳримиздаги нафис санъат мактаби, «Ором» мактаби ҳамда ўсмирлар соғлиғини сақлаш тиббиёт марказига замонавий технологиялар келтириладиган бўлди.

❐ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги Бобур номли маҳаллада фаоллар ва 121-мактаб ўқувчилари иштирокида уюштирилган тадбир ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланди.

❐ **ТОШКЕНТ** юридик коллежида ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида «Ёшлар жиноятчиликка қарши» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**Шаҳримиз кўчалари гўзал ва кўркам бўлиши учун жойларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва покизалаш ишларига доимий аҳамият қаратилади.**

## Ҳашар — элга ярашар

**Ўтган куни** шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан пойтахтимиздаги «Тошкент» меҳмонхонаси, Марказий банк ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри атрофидаги боғда ҳашар уюштирилди. Ҳашарда 200 нафар ходим иштирок этиб, боғни кузги хазонлардан, шох-шаббалардан, ариқларни чиқиндилардан тозалаб, манзарали дарахт кўчатларини экишди.

Ҳар бир тирик жонни уйғотадиган баҳор фасли яқинлашмоқда. Дарҳақиқат, юртимизга кўклам кириб келиши арафасида шаҳримиз кўчаларида ажиб бир тароват таралиши билан биргаликда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам авж олади.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

## XXI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

● Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг қўшма йиғилишида вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган қонунларнинг Навоий вилоятида бажарилиши ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

● Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ҳамкорлигида «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва давлат кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳамкорлигида ушбу музейда буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 520 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

● Маълумки, 2005 йилда Японияда «ЭКСПО-2005» бутунжаҳон кўргазмаси бўлиб ўтади. Пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида Ўзбекистоннинг мазкур жаҳоншумул тадбирда иштирок этишига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди.

● «Медглас» қўшма корхонасида шу пайтгача мамлакатимизга хориждан келтирилган жуда зарур тиббий ашё — 1, 5, 10 ва 20 миллиграммлик ампулаларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Йил охиригача ушбу корхонада 300 мингга яқин шундай ашёларни чиқариш режалаштирилган.

### Жаҳонда

● Буюк Британияда оммавий ахборот воситалари ва реклама шитларида тамаки махсулотларини тарғиб қилишни таъқиқлаш ҳақидаги қарор кучга кирди.

● «Қолумбия» космик кемаси ҳалокати сабабларини ўрганаётган НАСА ташкилотининг ходимлари унинг портлашига чап қанотида юзага келган ҳавонинг кескин исиб кетиши ва қанотнинг ичкаридан эрий бошлаганлиги сабаб бўлганлигини айтмоқдалар.

● АҚШ ҳукумати Тожикистон мудофаа вазирлигига 1,3 миллион долларлик ҳарбий кийим-кечак ва анжомларни топширди.

● Испания қирғоқларида ғарқ бўлган «Престиж» танкерида амалга оширилаётган тиклаш ишлари ниҳоясига етди. Натижада нефть маҳсулотларининг оқишини бир кеча кундузда 125 тоннадан 2 тоннагача камайтиришга муваффақ бўлинди. Бироқ ҳамон танкерда яна 50 минг тоннага яқин нефть маҳсулотлари мавжуд.

● РАТА-ТАСС ахборот агентлигининг маълумотига кўра, БМТ Бош котиби Коффи Аннан Греция Бош вазири Константинос Стефанопулос ва Туркия Бош вазири Абдуллоҳ Гулга мактуб йўллаб, яқин кунлар ичида Кипр муаммосига бағишланган анжуман ўтказилишини билдирган.

# ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

## Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган вазифалар моҳияти ҳақида

*Муҳтарам ўқувчи!*

*Ўтган йилнинг 29-30 августида бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида маъруза қилди. Маъруза телевидение орқали кўрсатилди, матни матбуотда чоп этилди.*

*Маърузада мамлакатимизда демократияни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устивор йўналиши белгилаб берилди. Булар мамлакат аҳли олдида турган шу кунги долзарб вазифалар ҳисобланади. Чунки демократияни кучайтирмай, чинакам фуқаролик жамиятини барпо этмай туриб мамлакат ялпи тараққиётига эришиш мушкул.*

*Бу мақсадлар йўлида давлат ва халқ бирлигига, ҳар бир онгли фуқаронинг айни вазифаларни бажаришдаги фаол иштирокига эришиш – ўта муҳим. Бунинг учун, аввало, ҳар ким ўртага ташланган муайян вазифа моҳиятини, аниқроғи, унинг ўзи ва Ватан учун аниқ-тиниқ аҳамиятини теран англаб олиши шарт.*

*Бу борада Президент Ислом Каримов маърузаси моҳиятини содда, ихчам ва тушунарли тилда баён қилиб беришга эҳтиёж сезилди.*

*Шу мақсадда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази томонидан тайёрланган (нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Султонмурод Олим) маъруза матнини чоп этишни лозим топдик. Бу шаҳримизнинг турли маҳаллалари, корхона ва ташкилотлари, ўқув муассасаларида Президент Ислом Каримов маърузаси юзасидан маънавий-маърифий тадбирлар ўтказишда услубий дастур вазифасини ўташи мумкин. Бу, хусусан, ана шундай маънавий-маърифий тадбирлар ўтказаётган тарғиботчи-ташвиқотчиларга жуда қўл келади, деб ўйлаймиз.*

**Президент Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзуида маъруза қилди. Унда бугунги куннинг давлат ва халқ олдида турган энг долзарб вазифалари ўртага қўйилган, ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим тамойиллари белгилаб берилган.**

**Жойларда – идора ва ташкилотларда, маҳалла, қишлоқ ва овулларда, мактабларда, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизими ўқув муассасаларида ана шу маъруза мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган муайян вазифалар атрофлича муҳокама қилиняпти.**

### 1. Янги давлатчилигимиз асосчиси

Ўзбек давлатчилиги камида уч минг йиллик бой тарихга эга. Бу давр мобайнида миллат кўп улуғ тараққиётларни ҳам, оғир таназзулларни ҳам бошдан кечирди. Энг ёмони, равнақ ўрнига орқага қайтишлар юз берганига кўпинча юртнинг ўзга давлатлар тарафидан босиб олиниши, шу тариқа мамлакат ва халқни мустамлакага айлантириш сабаб бўлди. Биласиз, XIX – XX асрлардаги мустамлакачилик ва шўро замонида давом этган ярим мустамлакачилик 130 йилларга тортди.

Истиқлол халқни бу қулликдан қутқарди. Миллат ўз давлатига эга бўлди. Энди уни икки жиҳатга кўра тубдан ислоҳ қилиш керак эди.

Биринчидан, мустамлакачиликка асосланган шўро тузумидан қолган давлатни тамоман ўзгартириш – миллийлаштириш зарур эди.

Иккинчидан, янги қуриладиган давлат, миллий хусусиятини сақлаб қолгани ҳолда, замонавий бўлиши, ўзида давлатчилик борасида башарият эришган энг сўнгги ютуқларни мужассамлаштириши лозим эди.

Аниқки, бу жуда кенг миқёсдаги ислоҳотларни талаб қилар эди. Тарих Президент Ислом Каримовни Ўзбекистонда ана шундай катта миқёсдаги ислоҳотларнинг асосчиси ва етакчиси сифатида майдонга чиқарди.

### 2. Ислоҳот, ислоҳот, ислоҳот...

1991 йил 31 августида Ўзбекистон мустақиллигининг эълон қилиниши амалда ислоҳотларга старт берилиши эди. Бежиз эмаски, Олий Кенгашнинг шу навбатдан ташқари сессиясидаги чиқишидаёқ Президент Ислом Каримов мамлакатда уч йўналишда – сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда жиддий ислоҳотлар олиб борилишини мақсад қилиб қўйган эди.

Мана, ўн иккинчи йилдирки, шу вазифа изчил амалга оширила бориляпти. Тарихан қисқа бу давр мобайнида Ўзбекистон бутунлай бошқа бир мақом ва қиёфага эга бўлди. Одамларнинг онг ва тафаккури ҳам, ҳаётга, Ватанга, меҳнатга муносабати ҳам кескин ўзгарди. Амалда янгича яшаш кўникмалари шаклланди ва бу жараён муттасил давом этиб келяпти.

(Давоми келгуси сонда)

• ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

**Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол инсон этиб тарбиялашдек эзгу мақсад йўлида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бугунги кунда ўз самарасини тўлалигича намоён қилмоқда. Дунёнинг энг нуфузли ва кўп асрлик бой тарихга эга олий ўқув даргоҳлари, халқаро ташкилотлар мамлакатимиз таълим муассасалари, вазирликлари билан ҳамкорлик қилиш истагини билдираётгани ана шу қизиқиш қанчалик жиддий эканлигидан далолат, албатта.**



**Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказида германиялик ҳамкорларнинг ўқув марказига совғаларни топшириш маросими бўлиб ўтди.**

# Ҳамкорлик давом этади



Ўтган 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан хорижнинг бир қатор нуфузли университетлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланган эди. Унда бир қатор халқаро дастурларда иштирок этиш, илм-фаннинг турли йўналишларида ҳамкорликда тадқиқотлар олиб бориш ҳам кўзда тутилгандир. Эътиборли томони, унда янги педагогик технологиялар, масофадан ўқитиш технологиясини ўзлаштириш, ўқитувчи ва талабалар, ўқув дастурлари алмашинувини йўлга қўйишга асосий эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда бу борада қатор амалий ишларга қўл урилганлиги қувонарли ҳолдир.

— Худди шу йили Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва немис Халқ университетлари уюшмаси халқаро ҳамкорлик институтининг Тошкентдаги ваколатхонаси ўртасида, ишсиз фуқароларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш борасида услубий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома тузилганди, — дейди марказ директори Абдуҳамид Менгизов. — Шу асосида Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қарашли ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказидаги иккита ўқув хоналари германиялик ҳамкорлар томонидан жиҳозланиши кўзда тутилганди.

Шулардан бири компьютер хонаси бўлиб, у энг замонавий компьютерлар ҳамда махсус мебеллар билан жиҳозланди, иккинчи ўқув хонаси эса бичиш-тикиш машина ва дастгоҳлари ва мебель жиҳозлари билан топширилди.

Мустақиллик шарофати-ла амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар, ҳамкорлик алоқалари халқимизнинг жаҳон ҳамжамиятига юз тутаётганидан, давлатимизнинг нуфузли мамлакатлар билан ҳар томонлама алоқалари кучайиб бораётганидан далолат, албатта.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: германиялик ҳамкорлар томонидан ўқув марказига тақдим қилинган энг замонавий компьютер, тикув машина, дастгоҳ ҳамда бошқа жиҳозлардан ёшларнинг мамнунликларини илғаб олиш мумкин.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

• «ТАШАББУС-2003»

**«Темирйўлчилар» маданият саройида бўлиб ўтган «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг Миробод туман босқичи иштирокчи ва томошабинларда катта таассурот қолдирди.**

# Рағбат муваффақиятга чорлайди

— Ушбу тадбирга иштирокчилар ҳам, ташкилотчилар ҳам катта тайёргарлик кўришди, — дейди туман Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси ўринбосари Рузанна Ҳасанова. — Тадбиркор ва ҳунармандларнинг ўзларини намойиш этишлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Бу ҳам, албатта, мамлакатимизда ўрта ва кичик корхоналар, тадбиркорлик ривожига қаратилаётган ғамхўрликнинг бир кўринишидир. Кўрик-танловда «Акватех», «Пок-Акс», «Химэкстехнология», «Мед-Эм» масъулияти чекланган жамиятлари, «Элиус» илмий ишлаб чиқариш фирмаси, «Элга-Азия» қўшма корхонаси тадбиркорлари ҳамда Турсун Эргашев, Баҳодир Ҳожиматов, Сирожиддин Зиёмов ва бошқа ҳунармандлар иштирок этишди. Уларнинг барчаси янгиликлар яратиш, иқтисодиётни ривожлантиришга ҳисса қўшиш йўлида, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш борасида ўзига хос йўлдан бормоқдалар.

«Акватех» корхонасининг сув тозалаш фильтрлари, «Элга-Азия»нинг электр плиталари, «Элиус» фирмасининг телекоммуникация жиҳозлари, «Мед-Эм»нинг тиббиёт учун мўлжалланган мебель жиҳозлари сифати, рақобатбардошлиги билан хорижникидан қолишмайди.

Тадбир давомида «Темирйўлчилар» маданият саройи ҳаваскорлари туман мактаб ва боғчалари кичкинтойларининг чиқишлари иштирокчиларга куч-ғайрат, томошабинларга яхши кайфият бағишлаб турди. Ҳайъат аъзолари кўрик-танлов якунини эълон қилиб, туманда «Энг яхши тадбиркор» номи «Акватех» масъулияти чекланган жамияти (директори Булат Сафаров)га насиб этганлигини ва ўзининг 40 дан ортиқ металкаркас мебеллари турлари билан харидорларни жалб этаётган Турсун Эргашев «Энг яхши ҳунарманд» номига эришганини таъкидлашди.

Голибларга ва барча иштирокчиларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди. Албатта, бундай рағбатлантириш иштирокчиларнинг келгуси муваффақиятлари гарови бўлади.

**Дилноза ҒИЁСОВА**

# Совғалар топширилди

**Сергели туманида ўтказилган «Ташаббус-2003» кўрик-танловида 10 нафар тадбиркор ва ҳунармандлар иштирок этди.**

Туманда фаолият кўрсатаётган «Сервис-Буратино» жамоасининг мебель маҳсулоти, «Инвест-тош» масъулияти чекланган жамиятининг мармар плиталари ҳамда «Шоҳ-Аббос» хусусий фирмасининг эркаклар ва аёллар учун замонавий либослари намойиш этилган кўргазма кўрик-танлов қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Кўрик-танлов ниҳоясида ҳайъат аъзолари иштирокчиларнинг меҳнатларини алоҳида таъкидлаган ҳолда ғолибларни мамнуният билан эълон қилдилар.

Тадбирда «Энг яхши тадбиркор» номини «Сервис-Буратино» масъулияти чекланган жамияти олган бўлса, ноёб дид соҳиби Муҳаммад Тошпўлатов «Энг яхши ҳунарманд» йўналиши бўйича ғолиб чиқди.

«Ташаббус-2003» кўрик-танлов ниҳоясида барча тадбиркор ва ҳунармандларга туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳло ҲОШИМОВА**

• МУЛОҲАЗА

# Ёшлар тарбиясига муҳим этибор

**Фарзандларимиз — келажагимиз. Бир пайтлар оила ва мактаб доирасида эътироф этилиб, фақат йилда бир маротаба — 1 июнда шиор сифатида эътиборга олинган бу тушунча бугунги кунда амалий моҳиятга эга бўлгани ва ўз номига том маънода жавоб бераётганини инкор қилиб бўлмайди.**

Фарзандим қандай инсон бўлиб етишади, қайси касбни эгаллайди, деган ота-она ташвишлари давлат сиёсати даражасида ҳал этилаётганини ўсиб келаётган авлод учун ғамхўрлик, давлатнинг келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш деб тушуниш мумкин.

Шу нуқтаи назардан Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ ёшлар масаласига алоҳида урғу берилиб, унинг давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати асосларидан бирига айланганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз, муболағасиз айтиш мумкин, жамиятнинг ҳозирги ривожланиши босқичида ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий, жисмоний ва интеллектуал тарбиясини ўзига қамраб олган яхлит тизим яратилиб амалга оширилмоқда.

Албатта, бу борада муаммолар, камчиликлар ҳам бор. Лекин тажриба ошган сари уларнинг аста-секин ечимини топиб ҳал этилмоқда. Бугунги кун талаби эса ҳамжиҳатликни, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда.

Айтиб ўтиш жоиз, ёшлар сиёсати борасида вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Илгари у тарбияси оғир болалар билан ишлашга йўналтирилган бўлса, бугунги кунда ушбу комиссия давлатнинг ёшлар масалаларига тегишли вазифаларнинг татбиқ этилишига маъсул бўлган барча тузилмалар ишини мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Республика даражасида комиссия Вазирлар Маҳкамаси қошида, шаҳар миқёсида — шаҳар ҳокимлиги негизида тузилган бўлиб, унга ижтимоий мажмуа раҳбари раислик қилади. Комиссия таълим, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот, маданият, ҳуқуқ-тартибот органлари, турли жамғармалар, жамоатчилик марказлари вакилларидан ташкил топган. Ҳозирда Вазирлар Маҳкамасининг вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга оид қароридан сўнг жойлардаги комиссиялар ишлари анча жонланганини таъкидлаш лозим. Умуман олганда эса, комиссиялар мувофиқлаштирувчи бўлибгина қолмай, ташаббускор сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Хусусан, шаҳарда тўгараклар фаолияти қайта ривожланаётгани, болаларнинг ҳам қизиқишлари ортиб бораётгани, турли даражаларда спорт мусобақалари анъанавий тус олаётгани, иқтидорли ёшларни аниқлашга йўналтирилган танловлар ташкил қилинаётганини айтиш мумкин. Жумладан, «Умид юлдузлари» фестивалининг икки босқичида мусиқа ва қўшиқчилик санъати соҳасида 30 дан зиёд ёш иқтидор соҳиблари аниқланди ва бугунги кунда улар катта саҳналарда ўз қобилиятини намойиш этмоқда. «Истиқлол умидлари» — мактаб ва ўрта таълим ўқув юртлари битирувчилари театрлаштирилган кечасига ҳам пойтахтда эстафета берилиб эндиликда у республика миқёсида ташкил қилинмоқда.

Комиссия томонидан тасдиқланган дастур асосида икки йилдан буён ўсмирларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил қилиш, болаларнинг санъат, маданиятга бўлган муносабатларини тўғри шакллантириш мақсадида театр, музей, кинотеатрларга, консерваторияга ташрифлари уюштирилмоқда. Ўтган ўқув йили ичида комиссия томонидан ташкил қилинган 169 та турли тадбирларда 517 минг нафар ўқувчи иштирок этди. Шу жумладан 324 минг нафар мактаб ўқувчилари театрларга ташриф буюрган бўлса, 178 мингта ўсмирлар «Умид ниҳоллари» ўйинларининг туман ва шаҳар босқичларида беллашишди. Ўрта-махсус ўқув юртларининг 20 мингдан ортиқ талабалари «Баркамол авлод» спорт ўйинларида қатнашди. 34230 нафар ўқувчи-ёшлар турли тўгараклар аъзоси, улардан 8 мингдан зиёди ўз ижодини йирик кўргазмаларда намоён этди.

Шу билан бирга куни кеча бўлиб ўтган шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг йиғилишида асосий эътибор амалга оширилган ишларга эмас, балки ижобий деб бўлмайдиган кўрсаткичларга қаратилди. Хусусан, ҳисобот даврида 886 та вояга етмаганлар иштирокида 598 та жиноят содир этилган. Бу эса 2001 йилга нисбатан тегишли равишда 110 ва 79 тага ошган, шу жумладан жиноятчиликнинг барча турлари кўрсаткичлари ҳам.

Таъкидлаш жоиз, ўта оғир жиноятлар сони ҳам юқорилаган. Вояга етмаганлар орасида жиноятчиликнинг асосий қисми (40 фоиздан ўтади) ўғирлик билан боғлиқ. Ўсмирлар орасида гиёвандлик кенгайиб бораётгани ва бу борада жиноятчилик икки баравар ўсгани инобатга олинса, тарбияси оғир болалар билан тарбиявий-профилактик ишлар етарли даражада эмас деган хулоса чиқариш мумкин.

Шаҳар комиссиясининг маълумотига кўра, жиноят содир этганлар орасида 25 таси вояга етмаган мактаб ўқувчиси, 214 таси коллеж ва лицейлар талабалари бор. Жиноят содир этганлар рўйхатига киритилган қолган 421 нафар вояга етмаган ўсмирлар нима иш билан банд бўлган? деган савол туғилади.

Шу кунга қадар профилактик назоратга 1142 нафар вояга етмаган ўсмир олинган. Кўпми ёки кам деган савол қанчалик тўғри эканини билмадик, лекин пойтахт аҳолисининг 30 фоизини вояга етмаганлар ташкил қилса, 5800 болага битта жиноят тўғри келмоқда, улардан ҳар бир 609 ёки 610 чиси тарбияси оғир бола сифатида назоратга тушган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, назоратдаги ёшлар билан деярли аниқ иш олиб борилмайди, аникроғи ушбу масалага нисбатан расмий ёндашувни кузатиш мумкин.

Жойлардаги комиссиялар фаолияти билан танишиш жараёнида шу ҳам намоён бўлдики, комиссия аъзолари ўртасида узвий боғлиқлик йўқ, амалий ишлар асосан масъул котиб томонидан бажарилади.

Афсуски, амалиёт шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар билан профилактик ишлар жойлардаги профилактика инспекторлари томонидан ҳам фаол олиб борилмайди. Ушбу тузилма вакиллари бунинг сабабини вояга етмаганлар масалалари билан машғул аниқ ва масъул шахс бўлмагани билан изоҳлашади.

Маълумки, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекциялар фаолияти шаҳар миқёсида бир неча йил аввал тугатилган бўлиб, бу йўналишдаги вазифалар қўшимча тарзда ички ишлар негизидаги профилактика бўлимларига юклатилган. Бироқ, вилоятларда бундай инспекциялар ваколати деярли сақланиб қолган. Ҳуқуқ-тартибот органлари таклифи ўринли бўлса керак. Шу билан бирга яқиндан бери жойларда фаолиятини бошлаган педагог-тарбиячилар ушбу йўналишда қилиниши зарур бўлган ишларни ўз зиммасига олишига нима халал бериши мумкин? Асосий вазифа тушунарли бўлса, ким томонидан бажарилиши ёки олиб борилишининг нима фарқи бор? Илгари ҳам вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор ўқувчи-ёшлар орасида айнан тарбиявий-педагогик фаолиятни юритган. Шунга мувофиқ бу лавозимга педагогик тажрибага эга ҳамда ҳуқуқшунослик соҳасидан воқиф кишилар тайинланиши зарурлигини вақтнинг ўзи тақозо этмоқда. Масалан, тарих ва ҳуқуқ ўқитувчиси бўлиши мумкин, лекин у болалар «тилини» яхши билиши шарт. Қолаверса, яна бир нарсани очиқ-ойдин айтиш лозим — маҳалла тизимида ҳозирда 5-7 киши расмий равишда, яъни маош олиб ишлайди. Ҳар бирига аниқ вазифа юклатилган. Натижасига келсак, сир эмас, маънавий-тарбиявий соҳада сезиларли ҳеч нарса қилингани йўқ.

Мактабларда педагог кадрлар етишмаслиги, ўқув адабиётларида узилишлар мавжудлиги ҳам ачинарли ҳолдир. Яна рақамларга мурожаат қилсак. Уч чорак давомида мактабларда чет тили, кимё, математика, ҳаттоки она тили ва адабиёт фанларидан умуман олганда 217 та ўқитувчининг етишмаслиги, қолаверса аксарият шу фанлар бўйича китоблар йўқлиги болаларнинг умумий таълим даражасига ҳам таъсир кўрсатиши аниқ. Жумладан, шу кунга келиб 95.838 нусха ўқув адабиёти етишмаётган бўлса, шундан 40 фоиздан кўпини сотувга чиқарилмаган 8-синф учун чет тили дарсликлари, ўн фоизини 5—10-синфлар учун география, 3-4 фоизини 2—11-синфлар учун тарих, математика, она тили ва адабиёт, 6377 нусхани 2—7-синфлар учун лотин графикасига асосланган турли фанлар бўйича китоблар ташкил этади.

Бунинг сабабларини оилалар даромадлари билан боғлашга ўрин йўқ. Негаки жорий ўқув йилидан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фармойиши билан моддий муҳтож оилалар фарзандлари 100 фоиз ҳамма ўқув адабиётлари, шунингдек, ўқув анжомлари ва кийим-кечак билан таъминланиши татбиқ этилди. Бундан ташқари, 8-синф ўқувчилари учун (учта туман мактабларидан ташқари) тажриба тариқасида мактаблар кутубхоналари орқали ижара асосида ўқув китоблари тўлиқ етказилиши йўлга қўйилган.

Юқорида келтирилган рақамларни ёш авлоднинг етук инсон бўлиб шаклланишида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг акси деб тушуниш керак эмас асло. Мақсад битта, у ҳам бўлса ҳамма жойда қилинаётган ишларнинг таъсирчанлигига эришишдир. Агарда жойларда муаммолар ечими топилмаса, (масалан, мактабларда китоблар етишмаслиги) юқоридан келиб ҳал қилиб беради қабилида хотиржам ўтирмасдан тегишли идораларга мурожаат қилиб, бажарилишини «пастдан» назоратга олиш лозим. Бу сўзлар муаллифники эмас. Эсингизда бўлса, бу ҳақда давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг охирги сессиясида ҳам таъкидлаб ўтганди.

Ўсмир ёшлар ҳақида гап борганда балоғат сўзига алоҳида урғу берилиши бежиз эмас. Бир неча босқичдан иборат балоғат ёшида болалар мураккаб психологик жараённи енгиб ўтади. Бу кўпчиликка маълум бўлишини инобатга олган ҳолда, жойларда, айниқса маҳаллаларда оила билан бирга ҳар бир вояга етмаган болага нисбатан эътибор ва ғамхўрлик кучайтирилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Бунинг замирида чуқур маъно борлигини, яъни ҳар бир боланинг жамиятга биринчи қадами маҳалладан бошланишини ёдда тутиш лозим.

Кўтарилган мавзуга яна бир-икки рақамни қўшиб ўтишни ўринли деб билдик. Шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, мактаблар моддий таъминотини кўтариш учун, яъни тўла ва жорий таъмирлаш ишларини бажаришга 960 миллион сўм керак экан. Ўтган давр ичида бу йўналишда 1 миллиард 220 миллион сўмлик ишлар амалга оширилган.

Таъмирлаш учун керакли маблағлар манбасини аниқлаб, уларнинг мақсадли ишлатилиши фарзандларимиз етарли шарт-шароитда ўқиши ва ривожланишини таъминлаш демакдир. Аммо бу ҳақда қайғуриш яна давлат идоралари зиммасидами? Нима учун ташаббус (айнан ташаббус, бировнинг мажбурлаши эмас!) тижорат тузилмаларидан чиқмайди (ночор аҳволдаги ишлаб чиқариш корхоналари ёки хусусий тадбиркорлар назарда тутилмаяпти)? Масалан, 2-3 та банк томонидан битта мактабни тўла таъмирлаб бериш катта зиён етказмаса керак. Тўғри, бир нарсани ҳисобга олиш керак. Мактаб моддий фойда келтирмайди, аммо давлатнинг асосий маънавий бойлиги айнан шу соҳада етиштирилишини ҳам унутмаслик лозим. Шуни ҳам эътиборга олиш зарурки, гап хусусий нарса устида эмас, ҳаммамиз учун бирдек муқаддас — мактаб ҳақида. Бизни, фарзандларимизни илмли қилган, ҳаётдан сабоқ берган даргоҳ кейинчалик ҳам неча-неча авлодларга беғараз хизмат қилишини истасак, ҳозирдан ва биргаликда ғамхўрлик қилишни унутмайлик. Таъкидлаб ўтилганидек, бу борада анча ишлар қилинган, энди озгина саховатпеша инсонлар қўллаб-қувватласалар соз бўлар эди. Ният қиламиз, ҳомийлар ўзимизда ҳам топилади.

Юқорида шунчаки бир мавзу устида мушоҳада юритилди. Балки кимгадир бунинг қизиғи йўқдир, кимнидир эса ўйлатар. Нима бўлганда ҳам, келажакни эсда тутиб иш қилинса бас.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**





**Мустақиллик шарофати-ла она юртимизда келажак ворислари бўлмиш ёшларга эътибор кучайиб бормоқда. Ҳозирги кун ёшлари илмга чанқоқ, зукко, интилувчан ва жуда қизиқувчан йигит-қизлардир. Фарзандларимиз мамлакатимиздаги олий таълим даргоҳларида илм-фаннинг турли йўналишларини мукаммал ўрганиш йўлида энг замонавий технологияларни эгаллаб, турли тадқиқотлар, изланишлар олиб бормоқдалар.**

**Сергей Любчич олган суратлар.**

## Оламда нима гап?

### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ Вашингтон атрофига ҳаводан ҳимоя қилиш ракеталар ортилган транспортёрлари жойлаштирила бошланди. АҚШ пойтахти ва Нью-Йорк узра қирувчи самолётлар патруллиги кучайтирилди. Пентагон вакилининг маълум қилишича, бу ишлар 2002 йилнинг сентябрь ойидан буён биринчи бор амалга оширилмоқда. Ушбу чоралар террорчиликлар содир этилиши хавфи кучайганлиги сабабли кўрилмоқда.

◆ Лондонда чоп этиладиган «Asharq Al-Awsat» араб газетасининг ёзишича, «Ал-Қоида» раҳбари бин Ладеннинг катта ўғли Саад бин Усама бин Ладен Эронда яшириниб юрибди. Бу ҳақда газетанинг Римдаги мухбирига номи ошкор этилмаган шахс маълум қилган. У Саад бин Усама бин Ладеннинг Эрон ҳукумати билан алоқаси бор ёки йўқлиги ҳақида маълумот бермаган. Сааднинг нуфузи Афғонистондаги аксил-террор компаниядан сўнг ошган бўлиб, у отасининг «ўнг қўли»га айланган. Бин Ладеннинг 27 нафар ўғилларининг энг каттаси ҳисобланган Саад 23 ёшда бўлиб, у отаси билан бирга Афғонистон орқали келган эди.

◆ АҚШ маъмурияти Чили ва Сингапур билан эркин савдо амалиётини жорий этиш тўғрисидаги келишувга имзо чекишдан аввал уни расмий равишда Конгрессга ҳавола этди. Конгресс аъзолари келишув банклари билан танишиб, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, сўнг ўз фикрларини билдириш керак. Бунинг учун 90 кун мухлат берилди.

◆ Ҳар йили ўтказилажак Америка кино академиясининг бу йилги «Оскар» мукофотига номзодлар рўйхати эълон қилинди. Энг яхши картина, энг яхши режиссёр, энг яхши актёр каби 13 йўналиш бўйича берилажак мукофотларга бу сафар «Чикаго» фильми барча йўналишлар бўйича тақдирланиши кутилмоқда.

◆ Россиянинг Тверь шаҳри қутқарувчилари канализация қудуғидан бир аёлни чиқариб олишди. Аниқланишича, у иссиқлик тармоғи ходимлари қудуқ қопқоғини пайвандлаши оқибатида ер остида уч ҳафта қолиб кетган. Бечора аёлни тармоқ ходимлари навбатдаги текширув олиб бораётганида топишган. Маълум бўлишича, унда озгина озиқ-овқат бўлганлиги сабабли тирик қолган.

◆ Молдавиянинг Бельц шаҳрида ўтказилган социологик тадқиқотнинг натижаси ғалати чиқди. Бутун мамлакатдаги ҳолат билан қиёсланса бу шаҳарда бўйдоқлар сони анчани ташкил этар экан. Бунинг сабаби тадқиқотчиларга номаълумлигича қолди. Шаҳарда эркакларга нисбатан аёллар кўп. Бироқ бўйдоқлар улар билан тил топишиб, оила қуришнинг йўлини топа олмаган. Уларнинг ёки ўзлари оила қуришни хоҳлашмайди, ёки гўзаллар бўйдоқларга чап бермоқда.

## ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР

*Фельетон*

У одам гавжум жойларда, нуфузли идоралар, олий ўқув даргоҳлари теварагида ўз ўлжасини пойлаган мушукдай пусиб, эшикдан кириб-чиқаётганларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини диққат билан кузатиб туради. Агар сизда бирор ёрдамга муҳтожлик кайфиятини сезса борми, осмондан тушгандек дарҳол ёнингизда пайдо бўлади. Синашталик учун алмойи-алжойи сўзлар билан аста-секин кўйнингизга қўл солади, дунёнинг бири кам иккилигидан шикоят қилади. Бегона суҳбатдошингиз ички дардларингизни ҳис этаётгандек топиб-топиб гапириши диққатингизни ўзига тортади. Унинг одамохунлиги, дилкаш ва самимий сўзларига бир зум маҳлиё бўлиб қоласиз. Чорасиз вақтингизда ярангизга малҳам бўлиб турган бу ажойиб инсонга гапириб-гапириб кўнглингизни бўшатиб олгингиз келади. Унга эса сизнинг худди шу ишончингиз керак.

— Шунга қийналиб юрибсизми? — дейди у майин жилмайиб. — Ахир ўлимдан бошқа нарсанинг иложини топса бўлади-ку.

Қаранг-а, сиз неча кунлаб қийналиб, мушкулингизни осон қиладиган бирор ҳожатбарор тополмай юрган пайтингизда шундай киши оёғингиз остидан бодроқдек потирлаб чиқиб қолса-я. Оҳингиз Худога етиб, пешонангиз ярқирагани шуда.

Ҳамроҳингиз сиздаги шу кайфиятни ҳис қилиши билан ўзининг шу ерда ишлаши ёки бу жойда энг яқин кишиси хизмат қилишини айтади.

— Қани сиз шу ерда ўтира турингчи. Мен ичкарига кириб билиб чиқай. Танишим шу ердамикан, — деб сизни ишонтириб ўзи ичкарига кириб кетади.

Умид билан кутасиз. Майли, чой пулисини олса ҳам ишқилиб ишингизни битириб берса бас. Сиз учун муҳими шу. Ахир мушук ҳам текинга офтобга чиқмайдику. Худо ғойибидан етказган беминнат ҳожатбарор сизни анча кутдириб чиқади. Кўзингизга жилмайиб тикилади. Шу қарашда сизнинг ичингизда кечаётган туғёнларни англаб, шунга қараб муомала қилади.

— Бахтингиз бор экан, — дейди у сизнинг «орзуингиз амалга ошаётганидан хурсанд бўлиб. — Истаган одамим шу ерда экан. Хуллас ишингиз битди ҳисоб. Лекин масаланинг бир нозик томони бор-да.

— Айтинг, ўша нозик томонини, биз тайёрмиз, — дейсиз гап остидаги ним косани англаб.

— Чиқимига чидармикансиз?

— Сўраб кўрингчи.

Унинг айтгани ҳатто тахминлаганингиздан анча камлигини билгач хурсанд бўлиб бажонидил розилик билдирасиз.

Шундай қилиб, «ишингиз битди». Йиллаб йиғиб-терган пулингиз бир зумда ҳавога учди-кетди. Эртасига, индинига учрашув жойига келиб уни пойлайверасиз. Лекин ундан дарак йўқ. Ёзиб қолдирган манзили бўйича уйига қидириб бориб овора ҳам бўлманг. Эшикни тақиллатишингиз билан рўпарангизда бутунлай нотаниш одам пайдо бўлади. Ундан сўраб-суриштирсангиз сиз истаб келган одамни мутлақо танимаслигини ва бу ерда турмаслигини айтади. Тарвузингиз қўлтиғингиздан тушиб уйга қайтасиз.

Суд маҳкамаларидан бирида ўрта ёшли басавлат киши билан учрашиб, танишиб қолдик.

— Ҳа, тинчликми? — деб сўрасак у:

— Эй биродар, бировга яхшилик қиламан деб бошимизга бало орттириб юрибмизда.

Гап-гапга уланиб қолди.

— Бир неча йилдан бери тадбиркорлик қиламан. Икки-учта ошхонам бор. Топиш-тутишим яхши. Бир дам олиш куни дўстлар билан маслаҳатлашиб чойхонада ошхўрлик қиладиган бўлдик. Қўлимда бир даста пул, «Олой» бозорида ҳаракат қилиб юрсам кутилмаганда беш-олти ёшли қизалоқ югуриб келиб «адажон» дея бўйнимга осилиб қолди. Ноқулай вазият. Ҳамма ҳайрон. Нима қилишимни, нима дейишимни билмайман. Шу тобда башанг кийинган, қадди-басти келишган ёшгина бир аёл биз томон тез-тез юриб келди-да, қизалоқни мендан аранг ажратиб олди. Кейин ўксиб деди:

— Кечирасиз, сизни адасига ўхшатди шекилли. Бола-да отасини соғинади.

— Отаси қаерда? — беихтиёр сўрадим ундан.

— Бизни ташлаб кетиб қолган. Қизалоғим «Адамга бораман» деб қўймаганидан кейин уни қидириб Бухородан Тошкентга келдик. Билган манзилимиз бўйича борсак у жойдан аллақачонлар кетиб қолган экан. Шунақа қилиб дарбадарликда юрибмизда акажон.

Ночор аҳволда қолган аёлга, «адажон», деб бўзлаб турган қизалоққа раҳмим келди.

— Энди нима қилмоқчисизлар?

— Билмасам, — ғарибона елкасини сиқди аёл.

— Уйга қайтасизларми?

— Йўқ. У ердан шу қизалоқни, унинг номард отасини деб уйдагиларнинг раъйига қарамай ўзбошимчалик билан чиқиб кетганмиз. Ҳар қалай улар энди биз бахти қароларни кечиришмаса керак.

Одамгарчилик юзасидан уларга иш жойим манзилини ёзиб бердим. Агар бирор ёрдамим керак бўлса албатта қўнғироқ қилишларини айтдим.

Эртасига тушлик пайти ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланиб ўтирсам хизматчилар ташқарида бир аёл мени йўқлаётганини айтишди. Билдимки ўша. Кўринишим билан яна кечаги аҳвол такрорланди. Ҳаммани лол қолдириб қизалоқ югуриб келиб «адажон»лаб бўйнимга осилди. Яна онаси келиб уришиб-нетиб уни мендан айириб олди.

Ночор уларни ичкарига таклиф қилдим. Бир пиёла чой устида яқиндан танишдик. «Уйга қайтмадингизларми?» деб сўрасам, «Энди қайтмаймиз, адамизни топиб олгунча бирор бошпана топиб яшаб турамиз. Шу масалада ёрдам берсангиз хурсанд бўлардик», деди аёл кўз ёш тўкиб.

Одамлар савоб учун не-не ишларни қилаётганда мен шу ночор аёлга ёрдам берсам-берибманда, — деган мақсадда «Қани ўйлаб хабарлаб кўрайчи. Агар иложи топилса айтарман», дедим.

— Бизни жуда ночор экан-да деб ўйламанг, акажон. Пулидан қочмаймиз. Йиғиб-терганимиз бор. Ишқилиб ҳоли, яхши жой бўлса бўлгани, — деди аёл бироз нозланиб.

Эртасига шу ҳақда яқин бир ўртоғимга гап очсам у:

— Мўмин-мусулмон бўлса майли. Шартнома билан чет элга кетган қизим билан куёвимнинг уч хонали безатиқли уйи шундоқ турибди. Ўзимиз уйнинг ёлғизлигидан хавотирда эдик. Қайтага одам қўйсак қўриқлаб туради, кўнглимиз тўқ бўлади, — деди.

Хуллас, Зулхуморни боласи билан ўша уйга жойлаштирдик.

Орадан уч-тўрт ой ўтди. Дўстимнинг аёли улардан хабар олиб турди. Бир куни унга қўшнилар Зулхуморни роса мақташибди:

— Барака топсин, қўшни бўлса шунақа бўлса-да, бирам ширин сўз, бирам меҳрибонки, тилидан бол томади. Раҳмат, сизга овсинжон, бизга шундай қўшни топиб берганингиз учун, — дейишибди. Хотини бу гапни оқизмай-томизмай эрига айтибди. Дўстим уни менга етказди.

Шундай кунларнинг бирида анча кеч эшик тақиллаб қолди. Бориб очсам дўстим аёли билан безовта турибди.

— Ҳа, нима гап тинчликми? — деб сўрасам у:

— Худо уриб қолди биродар. Зулхуморингиз фирибгар экан. Бутун уйни шип-шийдам қилиб жўнаб қолибди.

— Йўғ-ей, ахир аёл киши шунча жиҳозларни қандай қилиб уйдан олиб чиқиб кетади. Бунинг устига кўздек қўшнилар бўлса.

— Шунисига қўшнилар ҳам ёқа ушлаб туришибди-да биродар. Уларни «уй эгалари хонадонни менга топшириб ўзлари бошқа уйга кўчишяпти», деган гаплар билан ишонтириб уч-тўрт йигит ёрдамида юкларни машинага ортиб жўнатибди-да.

Ишонмай уйга бордик. Ичкарига кирдик. Қай кўз билан кўрайликки, уй ўғри ургандек ҳувиллаб ётибди.

— Бирор борар жойини биласизми, — сўради дўстим мендан.

Мен бош қимирлатиб бу аёл бутунлай нотанишлигини айтдим. Кейин уч-тўрт кун у ёқ-бу ёқни қидирдик, тополмадик. Хуллас, мана уч ойдирки, емаган сомсага пул тўлаб судлашиб юрибмиз энди.

Шу тобда кўзимизга «адажон»лаб жавдираб турган ўша қизалоқ кўрингандек бўлди. Унинг келажак тақдири ҳақида ўйлай бошладик. Фирибгар она ёш қизга шу пайтдан «ўз усулини» тўтиқушдек ўргатиб турса, йиллар ўтиб қизалоқ вояга етгач нима бўлади? Ҳалитдан у шундай «тарбия» кўриб бораверса вақти келиб, фирибгарликда онасидан ўн чандон ўтиб тушмасмикан? Ана шу саволлар бизни қийнарди.

Фирибгарлик кўчасига кирганлар ўта устомон бўлишади. Сал сергакликни қўлдан берсангиз ҳадисини олган фолбиндек бир зумда турли йўллар билан сизни авраб ўзига, сўзига ром қилиб қўйишади. Улар ўз касбининг фидойиси бўлган маҳоратли актёрдек роль танлаб ўтиришмайди. Бугун ўйнаши лозим бўлган образни қиёмига етказиб бажараверади. Чунки уларда ҳаёт тажрибаси етарли. Йиллар давомида улар бундай қиёфага неча бор кириб товланиб чиқишган. Энг муҳими сизнинг ишончингизни қозониш. Бунинг учун йиғлайди-бўзлайди, кулади-кулдиради. Хуллас, ўзининг чинакам дўсту содиқлигини, меҳр-оқибатли эканлигини, аёллари эса керак бўлса садоқатли ёр бўлишини исбот этади. Бу ширин лутфу карашмалардан шундай эриб кетасизки, қўпдан бери қадрдон бўлиб қолган яқин дўстингиз ҳам бунчалик садоқатли эмасдек, болаларингизнинг онаси вафодор аёлингиз эса унинг олдида худди ялмоғиздек туюлади. Шундай бўлгач қандай қилиб унга ишонмайсиз.

Улар сиз учун зарур бўлган, лекин уддасидан чиқолмай юрган барча ишингизни бажаришга тайёр. Сизга нима керак ўзи? Квартирами, пулни долларга алмаштиришми, ўғил-қизингизни ўқишга жойлашми ёки мўмай пул топиш ишқида чет элга бормоқчимисиз, хуллас нимаки хаёллаган, кўзлаган орзуингиз бўлса рўёбга чиқариб беришга хозиру-нозир.

Ҳатто улар орасида ёлғон-яшиқ ваъдаларга ишонтириб таниш-билишларнинг кўзига чўп солардиганлар ҳам бор. Иши битгач «қайда кўрдим қора эшигимни» деб индамай кетаверади. Унинг ваъдасини кута-кута тоқатингиз тоқ бўлади. Охири яна умидсизлик, кейин эса тақдирга тан бериш.

Кўзингизни очинг, биродар. Нотаниш ғойибона дўстдан, турли макр йўллар билан бир кўришда ақлингизни лол қолдирган ўйноқи жозибали аёлдан эҳтиёт бўлинг. У сизга ҳамдард, ҳамқадам бўлиб ёки бирор ёрдамингизга муҳтожлик билдириб кўз ёш билан пинжингизга кирмоқчи бўляптими, билингки у фирибгар.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**

## Шарқ дурдоналари

### Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

Бир бой одам донишмандлардан бирига:

— Мен сизга юз сўм ҳадя қилмоқчиман, сиз бунга нима дейсиз? — деди.

Донишманд шундай жавоб берди:

— Ҳадя қилсанг, ўзинг учун яхши, ҳадя қилмасанг, мен учун яхши. Чунки менга пул берганингдан кейин ҳар кимга: «Фалон донишмандга юз сўм ҳадя қилганман», деб айтасан, миннат қилиб юришингдан қутулиб қолган бўламан.

**Байт:**

**Кутма дардингга даво,**
**пасткаш, қурумсоқ кимсадан,**
**Ким чиён ниши билан**
**олғай оёқлардан тикан?**

● Олимлардан Муҳаммад ибн Аҳмад айтади:

— Нодон киши кўнглига нима келса, шуни ишлашга киришади. Ишининг оқибати нима бўлишини ўйламайди, тажриба қилинмаган, синалмаган, одамнинг сўзига ишониб иш олиб боради, ўзига ишонч кўп бўлади. Мақтаганни хуш кўради, бир нарса тўғрисида сўрасалар шошилиб жавоб беради. Маърифатдан холи, бўш ва хатоси кўп бўлади, ўнгга ва чапга кўп қарайди, мутакаббир ва мағрур бўлади, ножўя сўзлардан сўзлашдан тортинмайди, тили аччиқ бўлади, оғзидан ширин сўз чиқмайди, айтилган сўзга тушунмайди, кулса қаттиқ кулади, йиғласа қичқириб йиғлайди.

Мана шу каби ярамас одатларга эга бўлган кишиларга нодон одам дейилади.

**Байт:**

**Донога ёндошгил, қоч**
**нодондан сен,**
**Ҳатто у хавфлидир доно**
**душмандан.**

● Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатлигидан дарак беради.

● Кўполлик — руҳий қашшоқлик.

● Ахлоқий босиқлик — эзгуликдир.

● Эй, фарзанд, тавозели ва адабли одам халқнинг муҳаббатини ўзига жалб қилади, дўстлик гулшанида ёрқинлик гулларини очилтиради ва у гулшандан яқинлик, меҳрибонлик ва улфат базмида ҳар хил хушҳидли гуллар сочади. Мутакаббирга юмшоқлик томон йўл кўрсатади.

● Тавозе ва адаб ёши кичикларни катталар дуосига сазовор қилади, катталар кўнглига кичикларнинг меҳр-муҳаббатини солади. Адабли ва тавозели ёшни халқ қадрлайди. Мутакаббир, фақат ўз манфаатларини кўзловчилар жоҳил ва нодонлар адаб, тавозе нуридан маҳрумдирлар.

● Ақлли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина қутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

● Бир улуғ киши айтади: «Кишининг қалбида тўрт гавҳар бўлиб, бу тўрт гавҳарнинг тўртта душмани ҳам бўлади. Биринчиси — ақл гавҳаридир. Унинг душмани — ғазабдир. Иккинчиси — илм гавҳари, унинг душмани — такаббурликдир. Учинчиси — қаноат гавҳари. Унинг душмани — ҳирсдир. Тўртинчи — сахийлик гавҳари. Унинг душмани — таънадир.

**Байт:**

**Ширин сўзли шилгай**
**душман пўстини,**
**Дағал сўзли душман**
**қилур дўстини.**

• ШИФОБАХШ НЕЪМАТЛАР

## ҚАНД МОДДАЛАРИГА БОЙ

Арслонқуйруқ Ўзбекистон ҳудудида, жумладан Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг тоғли минтақаларида учрайдиган кўп йиллик ўт ўсимлик бўлиб, бўйи 40-150 см атрофида бўлади.

Арслонқуйруқ турлари қадим замонлардан бери халқ табобати амалиётида кўпгина касалликларни даволашда қўлланиб келинган. Чунончи, ўсимликнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама юрак заифлигида, меъда ва асаб касалликларида тавсия этилади. Арслонқуйруқ асосли дорилар Руминияда юрак малҳами бўлиши билан бирга тутқаноқ (эпилепсия) дардига даво ҳисобланади. Англияда эса, у асаб-руҳий бузилишларида (истерия), периферик нервлар фаолиятининг бузилиши натижасида содир бўладиган нохуш оғриққа (невралгия) даво сифатида буюрилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида арслонқуйруқ асосли дори-дармонлар кишини тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи, бачадон мушаклари тонусини оширувчи омил сифатида, шунингдек, юрак-томир неврозларида, юрак-тож томирлари склерози, кўкрак қисилиши (стенокардия)нинг баъзи турларида тинчлантирувчи омил сифатида ижобий натижа бериши исботланган.

Хона-уй шароитида арслонқуйруқ ўтидан қуйидагича шифобахш дамлама тайёрлаш мумкин. Ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 15 г олиб, унинг устига 2 стакан қайнаб турган сув қуйиб, 2 соат давомида дамланади. Сузиб олингач, кунига бир ош қошиқдан, овқатланишдан ярим соат олдин 3—5 маҳал ичилади.

Арслонқуйруқ маҳсулотидан совуқ дамлама ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун қайнатиб совутилгач 2 стакан сувга майдаланган маҳсулотдан 2 чой қошиқ миқдорида солиб, 6—8 соат қўйиб қўйилади, кейин дока воситасида сузиб олинади. Шарбатидан кунига овқатланишдан ярим соат олдин чорак стакандан, кунига 3—4 маҳал истеъмол қилинади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази янги иш бошлаган «Чилонзор буюм бозори» (собиқ «Отчопар буюм бозори») очиқ акциядорлик жамияти ҳудудида кимошди савдоси орқали сотилмай қолган савдо жойларининг ижара ҳуқуқини сотиш бўйича 2003 йил 17,18,19 март кунлари соат 9-00 да «Гагарин» номидаги кинотеатр биносида қўшимча кимошди савдолари ўтказади.

**Кимошди савдоларига қуйидаги савдо жойларининг ижара ҳуқуқи қўйилади:**

| Лот рақами | Лотдаги савдо жойларининг сони | Бир савдо жойининг умумий майдони, метр | Бир ойлик ижара ҳақи, минг сўм | Ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи, минг сўм | Гаров пули миқдори, минг сўм | Савдо санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 1 | 118 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 17.03.03й. |
| 2 | 6 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 17.03.03й. |
| 2-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 3 | 116 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 17.03.03й. |
| 4 | 3 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 17.03.03й. |
| 3-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 5 | 38 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 18.03.03й. |
| 4-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 6 | 49 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 18.03.03й. |
| 7 | 19 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 18.03.03й. |
| 5-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 8 | 28 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 18.03.03й. |
| 9 | 10 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 18.03.03й. |
| 10 | 12 | 3,5 | 94,5 | 1134,0 | 113,0 | 18.03.03й. |
| 6-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 11 | 14 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 18.03.03й. |
| 12 | 17 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 18.03.03й. |
| 13 | 35 | 3,5 | 94,5 | 1134,0 | 113,0 | 18.03.03й. |
| 7-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 14 | 20 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 19.03.03й. |
| 15 | 18 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 19.03.03й. |
| 16 | 29 | 3,5 | 94,5 | 1134,0 | 113,0 | 19.03.03й. |
| 8-айвонда жойлашган савдо жойлари | | | | | | |
| 17 | 47 | 2 | 54,0 | 648,0 | 65,0 | 19.03.03й. |
| 18 | 25 | 3 | 81,0 | 972,0 | 97,0 | 19.03.03й. |
| 19 | 21 | 3,5 | 94,5 | 1134,0 | 113,0 | 19.03.03й. |

Савдоларда фақат Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аризалар фақат жисмоний шахслардан қабул қилинади. Савдода мағлуб бўлган қатнашчиларга 15 банк кунида гаров пуллари қайтарилади. Ариза ва гаров пуллари «Чилонзор буюм бозори» ёнида жойлашган «Дўстлик» кафесида 2003 йил 24 февралдан бошлаб соат 10-00 дан 17-00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилиш 2003 йил 15 март куни соат 16-00 да тўхтатилади.

Ижара муддати 3 йил бўлиб, ижара шартномаси савдо ғолиблари билан ҳар йилга алоҳида тузилади.

Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: **Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бут кўчаси, 11-уй. «Дўстлик» кафеси.** Телефонлар: **79-89-53, 133-20-74, 79-73-02.**

### Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57,**
**55-67-42, 55-19-73.**

Юнусобод туманидаги 1-сонли, С. Раҳимов туманидаги 5-сонли давлат нотариал идорасидаги ва битта хусусий амалиёт билан шуғулланувчи ўрни бўш нотариуслик лавозимларига нотариал фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун

### танлов ўтказилади

Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида шаҳар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

## Спорт

### Фармон ва ижро

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштиришга катта эътибор қаратилаётганлиги кишини қувонтиради. Маълумки, Юртбошимиз Фармонига кўра Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, болажонлар камолоти ва истиқболи йўлида қилинган бу хайрли ишни муваффақият билан амалга ошириш жуда муҳим. Шу боис ҳам мамлакатимизнинг ҳар бир вилоятларида, туманларида ушбу жамғарманинг бўлимлари ташкил этилиб, қилиниши зарур вазифалар белгиланмоқда. Куни кеча Термиз шаҳрида Сурхондарё вилоят спорт мутасаддилари иштирокида уюштирилган тадбир юқоридаги масалага бағишланиб унда ушбу жамғарма фаолиятини юритиш учун ҳозирча 200 миллион сўм маблағ ажратилганлиги маълум қилинди. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳукумат кўрсатаётган ғамхўрлик, болалар спорти ривожи учун ажратилаётган маблағ албатта ўз натижасини беради. Ҳали мамлакатимиз ёшлари спортнинг ҳар бир соҳасида ўзларининг нималарга қодир эканликларини намойиш этадилар.

### Ёш полвонлар гиламга тушишди

Жиззах вилоятининг Олимпия захиралари коллежида 1986-1987 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида ўзбек кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 150 нафар ёш полвон ғолиблик учун астойдил кураш олиб борди. Дарвоқе, ўғил болалар 7 вазн, қизлар 5 вазн тоифасида гиламга тушишди. Кескин, муросасиз жанглар якунида ўз вазн тоифаларида ғолибликни қўлга киритган ўғил болалардан Аъзам Бобомуродов, Ғулом Маҳмудов, Дилшод Субҳонов, Ўктам Чориев, Ислом Юнусов, қизлардан Қундуз Жўраева, Дилфуза Хўжақулова, Сурайё Мусаевалар мухлислару мутахассислар эътиборини қозонишди. Ғолибларга турнир якунида эсдалик совғалари ва совринлар топширилди.

### Рейтинг натижалари

Теннис бўйича ўтказилган Австралия очиқ чемпионатида илк бор мамлакатимизнинг икки вакили Ирода Тўлаганова ва Вадим Куценколар Ватан шарафини ҳимоя қилганликларидан хабарингиз бор. Шуни айтиш лозимки, ушбу турнирнинг дастлабки учрашувларини ғалаба билан бошлаган ҳар икки ҳамюртларимизга кейинги ўйинларда маҳоратсизлик, тажрибасизлик панд берди чоғи, имкониятлардан тўлиқ фойдалана олишмаганди. Яқинда АТР ва WTA профессионал теннисчиларининг рейтинг натижалари эълон қилинди. Унга кўра Вадим Куценко 55-поғонадан жой олган бўлса, Ирода Тўлагановага 57-поғона насиб этди.

### Шартнома имзоланди

Англиянинг «Тоттенхем» клуби моҳир футболчиси Сергей Ребров туркиялик мутахассислар эътиборига тушди шекилли «Фенербахчи» жамоаси раҳбарлари Сергейни сотиб олиш тўғрисида «Тоттенхем» жамоаси раҳбарлари билан шартнома имзолашга муваффақ бўлишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

## НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

**17 февралда:**

◆ Алишер Навоий номидаги Санъат саройида «Ўзбекфильм» маҳсулоти бўлмиш янги «Нотаниш полвон» бадиий фильми соат 11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00 да, кичик залда эса «Рафиқ №» ҳинд бадиий фильми соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да намойиш этилади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрда У.Азим асари «Алпомишнинг қайтиши» спектакли соат 18.00 да бошланади.

**18 февралда:**

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида Т.Юнусов асари «Қор одам воқеаси» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида П.Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси соат 18.00 да бошланади.

**19 февралда:**

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида «Ассалому алайкум қизлар» спектакли соат 14.00 да намойиш этилади.

◆ «Туркистон» саройида «Азиз она юртим наволари» республика кўрик-танлови ижрочиларининг концерт дастури соат 18.00 да бошланади.

**20 февралда:**

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида О.Ёқубов асари «Бир кошона сирлари» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

◆ Ўзбекистон ёшлар театрида «Саиднинг саргузаштлари» спектакли соат 11.00, 13.00 да бошланади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрида «Икки мўъжиза» номли янги спектакль тақдимоти соат 14.00 да намойиш этилади.

**21 февралда:**

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида Т.Минулин асари «Дилафрўзга тўрт ошиқ» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Республика қўғирчоқ театрида «Миёвлаган ким бўлди?..» спектакли соат 11.00, 12.00 да бошланади.

**22 февралда:**

◆ Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрида Исфандиёр асари «Отасининг қизи» спектакли соат 15.00 да намойиш этилади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Тиниб-тинчимас бувижон» спектакли соат 11.00 да бошланади.

**23 февралда**

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Али бобо ва қирқ қароқчи» операси соат 12.00да, М.Ашрафийнинг «Севги тумори» балети соат 17.00 да намойиш этилади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қаллиқ ўйини» спектакли соат 18.00 да бошланади.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР | ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Аския универсал бозори» ОАЖ Кузатув Кенгаши 2003 йил 19 мартда акциядорларнинг йиллик умумий мажлиси ўтказилишини**

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 52-а уй.**

**Мажлис соат 15-00 да жамиятнинг маъмурий биносида ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. «Аския универсал бозори» ОАЖ нинг 2002 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият директорининг ҳисоботи.
2. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2002 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2003 йилга мўлжаллаган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2003 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
8. Жамият Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида.

**Мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 17 февраль ҳолатига кўра тузилган.**

Акциядорларни ёки уларнинг вакилларини рўйхатдан ўтказиш соат 14-00 да бошланади.

**Мурожаат учун телефон: 55-27-44**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

***«Аския универсал бозори» ОАЖнинг 2002 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари кўрсаткичлари.***

| БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ | | |
|---|---|---|
| т/р | Кўрсаткичларнинг номи | Кўрсаткичлар /минг сўм/ |
| АКТИВ | | |
| 1. | Узоқ муддатли активлар | 40033,5 |
| 2. | Оборот активлари | 18969,0 |
| 3. | Жами активлар | 59002,5 |
| 1 | 2 | 3 |
| ПАССИВ | | |
| 1. | Ўзлик маблағларнинг манбалари | 18905,4 |
| 2. | Устав фонди | 10000,0 |
| 3. | Мажбуриятлар | 30097,1 |
| 4. | Жами: баланс пассиви бўйича | 59002,5 |

| МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ | | |
|---|---|---|
| | Кўрсаткичларнинг номи | Кўрсаткичлар /минг сўм/ |
| 1. | Маҳсулот /иш, хизмат/ сотишдан тушган тушум | 91164,2 |
| 2. | Умумий хўжалик фаолиятининг жами харажатлари | 91134,4 |
| 3. | Ҳисобот давридаги соф фойда | 29,8 |


**Кўп қаватли турар жойларда истиқомат қилувчи ҳамда уй-жой мулкдорлар ширкатлари хизматидан фойдаланувчи ҳурматли Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!**

**Томдан чакка ўтиб кетиш ҳолларида шикоят билан қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Шаҳар диспетчерлик хизмати | тел. - 133-15-90 | манзили: Халқлар Дўстлиги, 1а-уй |
| 2. А. Икромов тумани авариявий тиклаш хизмати | тел. - 74-27-61 | манзили: 13-мавзе, 41-уй |
| 3. Бектемир тумани коммунал таъмирлаш авариявий тиклаш хизмати | тел.- 195-19-97, - 195-29-63 | манзили: Ҳусайн Бойқаро к. 35а-уй |
| 4. Миробод тумани АТХи | тел. - 54-26-08, - 55-54-07 | манзили: Нукус к., 18-уй |
| 5. М. Улуғбек тумани АТХи | тел. - 67-49-52 | манзили: Доғистон к., 56-уй |
| 6. С. Раҳимов тумани АТХи | тел. - 29-26-28 | манзили: Юнус Тўлаганов к., 51-уй |
| 7. Сергели тумани АТХи | тел. - 58-71-25 | манзили: Спутник даҳаси, 10-мавзе, 64-уй |
| 8. Ҳамза тумани АТХи | тел. - 96-54-00 | манзили: Мажнунтол к., 5-уй |
| 9. Шайхонтоҳур тумани АТХи | тел. - 42-71-97, - 42-03-81 | манзили: Беруний к., 6/7-уй |
| 10. Чилонзор тумани АТХи | тел. - 77-26-83 | манзили: Арнасой к., 19а-уй |
| 11. Юнусобод тумани АТХи | тел. - 137-61-30, - 137-61-41 | манзили: Чинобод к., 1а-уй |
| 12. Яккасарой тумани АТХи | тел. - 56-87-61, - 56-87-19 | манзили: Аския к., 29-й |


9 февралда Авиасозлар маданият саройида «Туфин» қўшма корхонаси томонидан ташкил этилган лотерея тиражи ғолибларини ютуқлар билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда ютуқ эгаларига компьютер, мусиқали марказ, видеомагнитофон, уяли телефон, шоколадлар тўплами каби мукофотлар топширилди.

Шунингдек, 8 та фигура ва жетонларни йиғганларга 2 та ютуқ: CD - магнитофон ва CD - плейер чиқди.

Сизларнинг кўплаб илтимосларингизни ҳисобга олган ҳолда «Туфин» тухумидан ютуқлар чиқадиган лотерея ўйини Наврўз байрамига қадар узайтирилади. Сизларни яна кўплаб мукофотлар ва совғалар кутмоқда. Бироқ, энг қувонарлиси шундаки, яна компьютер лотереянинг бош ютуғи бўлади.

«Туфин» сотиб олинг ва ютинг!

Шоколад енг ва дўстларингиз даврасида қувнанг!

**Манзилимиз: Ҳамза тумани, Боку кўчаси, 179 А.**

**Телефон: 191-36-48.**





**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
7587 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
**Нашр кўрсаткичи — 563**

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-108. Топширилди 12.05 1 2 3 4 5 6